



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 14 ноябрь, № 223 (5897)

Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 ноябрь куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Россия парламенти юқори палатаси раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Россия билан қарор тоған стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг ҳозирги даражаси Ўзбекистонда юксак кадрларни янада кўпайтириш мақсадида таъкидлади. 2012 йил июнь ойида Тошкентда, жорий йилнинг апрелида Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон —

Россия учрашув ва музокара-ларининг самарадор янунлари, амалий натижалари сиёсий, савдо-сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этди. Таъкидланганидек, парламентларо алоқаларнинг бу-нунга даражаси турли соҳа-ларда ўзаро мулоқотни фаол кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Россия Федерал

Мажлиси юқори палаталари ўртасида 2006 йилда имзо-ланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим муносабатларни тизимли равишда қарор то-птиришга хизмат қилиб, икки мамлакатда амалга ошири-лаётган туб сиёсий ва ижти-моий-иқтисодий ислоҳот-ларни қонунчилик асосида қўллаб-қувватлаш борасида мунотазам тажриба алмашиш имкониятини яратди. Сўхбат чоғида томонлар

иқтисодий ҳамкорлик барқа-рор кенгайтириб, ўзаро савдо таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Учрашувда томонларни қизиқтирган маданий-гумани-тар ҳамкорликка оид масала-лар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди. В. Матвиенко сермазмун сўхбат, икки давлат учун дол-зарб бўлган масалаларни

муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдириб, Россия раҳбарияти халқлари-мизнинг узоқ муддатли манфаатларига асосланган ҳолда Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎзА).
Альо АБДУЛЛАЕВ
олган суратлар.

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси).

ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД

фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлашдир.

“Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мукаррар. Бунчи чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳам-миёта ва тараққий тоған мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун унб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб бо-ришини ўзи учун энг улуғ, керак таълим, энг муқад-дас мақсад, деб билади”.

Президентимизнинг ушбу сўзлари истиқлол-нинг илк кунлариданоқ таълим тизимида амал-га оширилаётган исло-хотларнинг туб мазмун-моҳиятини англатади. Бинобарин, Асосий Қонунимизда ҳам ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан

кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назорати-да эканлиги белгилаб қўйилганки, бу борадаги ўзгаришлар “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш мил-лий дастурида кўзда ту-тилган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлигида аққол намоён бўлмоқда.

— Шу юрда яшаётган-лигимдан фахрланаман, — дейди Сурхондарё ви-лояти, Денов туманидаги 81-умумтаълим мактаби-нинг математика фани ўқитувчиси Мамаюсуф Хўжамбердиев. — Чунки мамлакатимизда ҳар бир ислоҳот инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Хусусан, Кон-ституциямиз билан таниш-ганда, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари устувор аҳамиятга эга эканлигини англаб еттишимиз, Масалан, ундаги қайдлар бошқа со-ҳаларда бўлганидек, таъ-лим тизимида кузатилаёт-ган кенг кўламли янгила-нишларда ҳам кўзга та-шланади. Айтмоқчиманки, умримни ўқитувчиликка бағишлаганман. Кўп йил-лик меҳнат фоалиятим даврида энг катта эъти-рофни мустақиллик шарофати билан топдим.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ЛАТВИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 13 ноябрь куни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Латвия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида таъкидланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, транспорт ва транспорт комму-никациялари, логистика, банк-молия, таълим, озик-овқат, сайёҳлик, фарма-цевтика, тўқимачилик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик борна соҳалар-да изчил ривожланиб бо-раётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиганини алоҳида таъкид-лади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвия Республикасида давлат ташрифи мамлакатлари-миз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, фаол ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳам-корлик мустақам ҳуқуқий

асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникация-лари, сайёҳлик, стандарт-лаштириш, фан-таълим каби кўплаб соҳалар бўйи-ча ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо, иқтисодиёт ва сано-ат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатларимиз сав-до-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2012 йилда бу кўрсаткич қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди, 2013 йилнинг ян-варь — июнь ойларида эса 126 миллион АҚШ долла-рини ташкил қилди. Ўзбе-кистонда Латвия сармоя-си иштирокида тузилган йигирма икки қўшма кор-хона фаолият кўрсатмоқ-да. Латвияда эса мамла-катимиз компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қирқдан ортиқ корхона ишлаб турибди. Улар мебеласозлик, тўқи-мачилик, қандолат махсу-лотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, логистика, улгурчи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга иқтисослаштирилган. Юртимизда Болтиқбўйи-даги ушбу мамлакатнинг ўн етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда).

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 20 — 23 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА ОСИЁ КҮЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ 6-ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТАДИ.



Мазкур нуфузли тадбир давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилмоқда. Бу галги Тошкент форуми “Кўёш энергияси технологиялари тенденциялари ва истиқболлари” мавзуси муҳокамасига бағишланиб, унинг ишида халқаро молия институтлари вакиллари, турли мамлакатларнинг экспертлари, хориж тадқиқот марказлари ва технологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар ходимлари иштирок этади. Ушбу йирик анжуман кўёш энергиясидан фойдаланиш жабҳаси-да ўзаро тажриба алмашиш, юртимизда гелиоэнергетика ва бошқа муқобил энергия манбаларини янада ривожлан-тиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Анъанавийликдан —
нонъанавийликка

Маълумки, бугунги кунда дунёда анъанавий ёқилги турлари — кўмир, нефть, табиий газ, умуман, углево-дорлар энергетика мўвозанатини таъминловчи хом ашёлар ҳисоблана-ди. Аммо сир эмаски, уларнинг захи-ралари тобора камайиб бораёпти. Тахминларга қараганда, ҳозирги даврда энергия ресурсларининг иш-латилиши даражасидан келиб чиқил-са, қора олтин захиралари 45 — 50 йилга етади. Бу муддат табиий газ бўйича 70 — 75, кўмир бўйича эса 150 — 160 йилни ташкил этади.

Уз навбатиди, анъанавий углево-дордор манбаларидан сурункали фой-даланиш оқибатида охириги йилларда сайёрамызда глобал экологик муам-молар юзага келмоқда: иқлим ўзга-ришлари, озон қатламнинг емири-лиши ва бошқалар шулар жумласи-дандир. Табиийки, мана шундай мураккаб шароитда мамлакатларнинг барқа-рор тараққиёти, фаровонлигини таъ-минлаш, иқтисодийнинг изчил ри-вожланиши ва рақобатбардошлигини ошириш масаласи кун тартибига қўйилди. Узоқ изланишлар натижаси-да эса бу масалага оқиллона ечим то-пилди: у ҳам бўлса, муқобил вари-антлар — гелио, гидро ва шамол

энергияси ҳамда биомассади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, улар деярли йўқолиб кетмайди, қайта тикланаверади, қолаверса, ҳозирги жадал технологик тараққиёт даврида жуда қулай. Яна бир муҳим жиҳати, муқобил энергия манбалари(МЭМ)га асослан-ган техника ҳамда технология эко-логик жиҳатдан тоза, яъни атроф-му-хитга зарарли моддалар чиқармайди. Бинобарин, охириги қирқ йил давоми-да бу каби табиий воситаларни қўллаш ҳажми жаҳондаги умумий энергия балансида 40 фоизга етди. Айни пайтга келиб, бир қатор дав-латлар мазкур ниҳоятда муҳим захи-ралар билан боғлиқ лойиҳаларни иқтисодий-ижтимоий тармоқларга ил-ложига борица кўпроқ татбиқ этиш, со-ҳага инвестиция йўналтириш ҳажми-ни кўпайтириш, истиқболли ишлан-малар ҳамда тадқиқотлар олиб бо-риш йўлидан бораётди. Масалан, Германия муқобил энергиянинг мам-лакатда ишлаб чиқариладиган энер-гия улусидаги миқдорини 2015 йил-гаича 15, 2020 йилга бориб эса, 20 фоизга етказишни режалаштирмоқда.

Кўёшли юртимиз
салоҳияти

Таъкидлаш жоизки, серкўёш ўлка-миз қайта тикланувчи энергия ман-

баларининг улкан захирасига эга бўлиб, унинг миқдори 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг. Му-тахаассисларнинг айтишича, Ўзбеки-стон шариоитида офтоб, шамол, кичик гидроэнергетика, биомасса, геотер-маль каби энергия манбаларини қўллаш долзарб ҳисобланади. Бундан ташқари, қайта тикланувчи бундай воситалар узоқ, тоғли ва боғиш қийин бўлган худудларни энергия билан таъминлашда қулай, иқтисодий жиҳатдан тежамкор воситадир.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари томонидан мана шундай бой табиий салоҳиятни ҳаётимизни янада фаровон ва обод этишга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит-лар яратилди. Ўзбекистон Республика-сининг “Электр энергетикаси тўғриси-да”ги ва “Энергиядан оқиллона фойда-ланиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этил-гани ана шундан далолат беради.

Буларга уйғун тарзда диёримизда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, кўёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бо-риш борасида катта тажриба тўпланди.

(Давоми 2-бетда).

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

2200
тани
ташкил
этди.

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида мамлакатимизда фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш объектларининг жами сони қарийб

Хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган ушбу корхоналар тўқимачилик, энгил, озик-овқат, қурилиш материаллари, ёғочни қайта ишлаш, машинасозлик ва кимё sanoatlari ҳамда иқтисодий-иқтисодийнинг бошқа тармоқларида махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳридаги касб-хунарга ўқитиш марказига қабул

«Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган касб-хунарга ўқитиш марказига ўқувчилар қабул қилинади.

Марказда касб-хунарга ўқитиш (касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш) куйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади: **автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш** (авточингарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), **машинасозлик ишлаб чиқариши** (токарлар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), **электр ва электротехника** (электрон қурилмалар, маиший техника, радио ва телеаппаратураларга техник хизмат кўрсатувчи мутахассислар), **ахборот тизимлари ва технологиялари** (ҳисоблаш машиналари операторлари, дастурчилар, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Марказда касб-хунарга **ўқиш мuddати — 10 ой**, шундан марказда касб-хунарга ўқиш — 6 ой, корхона (ташкilot)да ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой.

Шунингдек, марказда юқорида қайд этилган мутахассисликлар бўйича шартнома асосида корхона (ташкilot)ларнинг ишчи-ходимлари ҳамда меҳнат бозорида талаб қилинаётган мутахассисликлар бўйича иш излаётган шахслар пуллик асосда қисқа мuddатда ўқитилади, қайта тайёрланади ва малакаси оширилади.

Марказда ўқиш истагини билдирган шахсларнинг ҳужжатлари мутахассисликнинг фуқаро томонидан ихтиёрий танловиغا мувофиқ, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йўлнамаси асосида қабул қилинади.

Марказ битирувчиларига эгналган касби (мутахассислиги) бўйича малакасини тасдиқловчи ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом (сертификат) топирилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), касб-хунар коллежлари, лицей ва ўрта таълим мактабининг 11-синфини битирганлик тўғрисидаги ҳужжат (аттестат), Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган йўллама, тиббий маълумотнома (086-шакл), 35x45 мм. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатлар 2013 йил 15 ноябрдан 15 декабргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 даҳаси. Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 251-19-03, 251-20-31.

18969/1036

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

Жиззах вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 февралдаги 2-205-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, А саноат ҳудудида жойлашган, «Фориш-Текстил» ҚКга тегишли мулклар мажмуа сифатида (1 471 061 000 сўм бўлган 5 та бино ва иншоотлар ҳамда 1 811 688 000 сўм бўлган 8 дона «RIETER C50» рўсумли ип йиғирув ускунаси).

Жами бошланғич баҳоси — 3 282 749 000 сўм.

Аукцион савдосига 2013 йил 18 декабрь кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари

бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» MЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Манзил: Жиззах ш., Шароф Рашидов к., 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

18949/1453

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 29 июлдаги 12-1307/5639-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, «Бинокор» МФИда жойлашган, Ховос тумани МТПга тегишли куйидаги бино-иншоотлар қўйилмоқда:

1. 0001-литердаги умумий майдони 372,69 кв.м.дан иборат маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 144 717 449 сўм.

2. 0010-литердаги умумий майдони 1842,24 кв.м.-дан иборат омбухона биноси.

Бошланғич баҳоси — 456 786 039 сўм.

3. 0016-литердаги умумий майдони 294,33 кв.м.дан иборат ёрдамчи бино.

Бошланғич баҳоси — 52 727 510 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 17 декабрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 13 декабрь кuni соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» MЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

18949/1453

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» MЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади.

«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 9 октябрдаги 198(5872)-сонда чоп этилган, тугатилаётган «POLA COMMERCE» MЧЖ балансидаги мол-мулклар 7 ноябрь кuni бўлиши белгиланган очик аукцион савдосига сотилмаганлиги сабабли улар бўйича аукцион савдоси давом эттирилиб, 2013 йил 5 декабрь кuni бўладиган аукцион савдосига такроран қўйилади.

Очик аукцион шартлари.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қатнашиш учун мол-мулк бошланғич баҳосининг камида 10 фоизи миқдордаги закатат пули «Toshkent universal auctions savdo» MЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 144-23-41, 351-28-14. Тел./факс: (8-371) 233-23-40.

Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

18924/1087

20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси голибига савдо кунидан бошлаб йиғирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунча қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу мол-мулкларга қизқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси соат 15.00 да бошланади ва куйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» MЧЖ

оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 11 октябрдаги 200(5874)-сонда чоп этилган, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 2 ноябрдаги 10-1207/18757-сонли иш бўйича қарорига асосан, банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR» хусусий корхонаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2013 йил 8 январдаги 10-12191/15292-сонли иш бўйича қарорига асосан, банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR-AVTO RETAIL» масъулияти чекланган жамиятлари балансидаги мол-мулклари ҳамда активлари 17, 24 ва 31 октябр кунлари бўлиши белгиланган оммавий оферта савдоларида сотилмаганлиги сабабли улар бўйича оммавий оферта савдолари давом эттирилиб, 2013 йил 21, 28 ноябрь ва 5 декабрь кунлари бўладиган оммавий оферта савдоларига қўйилади.

Оммавий оферта шартлари.

Оммавий оферта савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

• юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

• жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси,

16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефонлар: (8-371) 144-23-41, 351-28-14. Тел./факс: (8-371) 233-23-40.

Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

18969/1036

«CAPITAL REALTOR GROUP» MЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» MЧЖ Қашқадарё филиалида 2013 йил 9 декабрь кuni соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Қашқадарё вилояти «Қишлоқхўжаликмиё» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2012 йил 11 майдаги 01/08-К/К-сонли баённомаси қарорига биноан, жамиятнинг Деҳқонобод тумани филиали тугатилганлиги сабабли, Деҳқонобод тумани, Қорашина кўрғонда жойлашган, умумий майдони 700,00 кв.м., фойдаланиш майдони 152,77 кв.м. бўлган маъмурий бино такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 5 614 100 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулк ушбу аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдолари 2013 йил 16, 23 ва 30 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилиш ҳар бир савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Манзил: Қарши шаҳри, Фузур кўчаси, 4-уй. Телефон: (8-375) 227-20-28.

Лицензия: № RR-0017.

18949/1453

«CAPITAL REALTOR GROUP» MЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» MЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 18 декабрь кuni соат 14.00 да объекти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

• Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 12 октябрдаги 15-1201/31655-сонли, 2011 йил 6 ноябрдаги 15-1103/31589-сонли, 2012 йил 23 июлдаги 15-1210/26582-сонли, 2013 йил 24 апрелдаги 15-1310/9455-сонли, 2013 йил 22 августдаги 15-1303/16553-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Бувайда тумани, «Кўнғирот» ҚФЙ, Ойим қишлоғида жойлашган:

1. «Кўнғирот техника» MЧММТПга қарашли, умумий майдони 247,60 кв.м., фойдаланиш майдони 161,29 кв.м. бўлган 15-бригада дала шийони бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 15 032 147 сўм.

2. «Кўнғирот техника» MЧММТПга қарашли, умумий майдони 1446,52 кв.м. бўлган 15-бригада ўғит омбури ва асфальт хирмони бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 6 360 333 сўм.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион

савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 16 декабрь кuni соат 17.00 да тўхтатилади.

• 2013 йил 4 декабрь кuni соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулк арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда: Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 2012 йил 22 августдаги 1-288-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Меҳридонлик» МФЙ, Янги аср (аввалги Турғенев) кўчаси, 25-уй, 2-хонада жойлашган, Мамаджанова Раъно Гуламовнага қарашли, умумий майдони 59,27 кв.м., фойдаланиш майдони 46,39 кв.м. бўлган нотураржой бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 24 331 971 сўм.

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 2 декабрь кuni соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очик аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» MЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир ҳужжатлар билан танишиш, савдога

қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўшимча савдолар бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғилоний кўчаси, 22-уй.

Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.

Лицензия: № RR-0017.

18949/1453

САНОАТ КОРХОНАСИ

**4 — 6-разрядли
электромонтажчиларни,
4 — 6-разрядли
ускуналар
монтажчи-созловчисини**

**ДОИМИЙ
ишга
таклиф
қилади.**

Иш ҳақи — 2 млн. сўм.

**Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.
Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.**

**Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40,
(+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.**

17254/991

«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

Сув ва газ ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

18924/1087

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси кўмитаси аъзоси Фахриддин Холбега волидан муҳтарамаси **Нукраой ГАНЖИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамоаси жамоаси раҳбарининг Тошкент шаҳар бошқармаси раиси **Абдулазиз МУХАММАДКАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Kafolat” davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi (OAJ) jamoasi kompaniyaning Andijon viloyati filiali direktori Muxitdin Mamatxonova volidan muhtaramasi **ЗУМРАДХОН АЯНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ЭНГ ГУЛЛАГАН

ЧОҒИМДА...



Инсон орзу-ҳавас билан яшайди. Айниқса, умр баҳори — ёшлиқда ҳар бир йигит-қиз қалбида олам-олам эзгу истаклар жўш уради. Бундай орзу-умидлар замирида Ватанга муносиб фарзанд бўлиш истаги мужассам, албатта. Бинобарин, мамлакатимиз ёшларига барча шарт-шароит яратиб берилганки, улардан оқилона фойдаланаётганлар катта-катта муваффақиятларга эришаётир. “Энг гуллаган ёшлиқ чоғимда...” саҳифасининг навбатдаги сониди

НАВОИЙлик ёшлар,

уларнинг бугунги куни ва интилишлари ҳақида ҳикоя қилинади.



Ифтихор

Вилоят марказида Алишер Навоий номидаги гўзал боғ яратилган. Бу жойда улуг шоиримизнинг муаззам ҳайкали қад ростлагани кўнгилларимизга фахр ва гурур бағишлаб туради.
 — Авваллари атрофини янтоқ босган, бетартиб кенгликлардан иборат бўлган шаҳримиз боғи бугун таниб бўлмас даражада ўзгарган, — дейди навоийлик отахон Мирсаид Мавлонов.
 — Қисқа фурсатда боғ худуди янада кенгайиб, турли бино ва иншоотлар барпо этилгач, бу манзил гулу чаманларга бурканган бўстонга айланди. Бугун фарзандларимиз бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Дарҳақиқат, боғда навқирон авлод учун хиё-бонлар, ўйингоҳлар, майдончалар, спортчилар учун эса югуриш йўлаклари тайёрлаб қўйилган.
 — Кимки ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи марказий маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрса, маънавий озуқа ҳам олиши, шубҳасиз, — дейди вилоят “Камалак” болалар ташкилоти раиси Абдор Султонов. — Навоий ҳазратларининг болалик, ўспиринлик ва йигитлик даврлари ҳамда асарларидаги қаҳрамонлар сиймоси акс эттирилган ҳайкаллар ёшларимизни эзгуликка, яратувчанликка ундаб туради, гўё.

Навоий боғи

воҳа ёшларининг энг севимли масканларидан бирига айланган

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган “2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида мазкур ҳудудда қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумла-

дан, боғ ҳудудининг 3 гектар майдонидида жойлашган “Амфитеатр” мажмуаси ўзидида 2400 томошабинни қабул қила олади. Мазкур мухташам иншоот Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамларига, ёшлар иштирокидаги кўргазмалар, миллий ўйинлар фестивали, учрашув ҳамда турли тадбирларга мўлжалланган. Худди шунингдек, боғ ҳудудидида

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шижоат

Оилада тўнғич фарзандман. Ота-онам ҳар доим: “Ақлли, ҳушли бўлгин, сен қандай йўл тутсанг, бир кун келиб, укаларинг ҳам изингдан эргашади”, дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Ёшлар ҳар бир қадамини ўйлаб босиб, оиласи, элу юрт манфаатини кўзлаб иш тутса, асло кам бўлмайди.

Масъулият ҳисси

Юртимизда ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, жумладан, касб-хунар коллежларини битираётган йигит-қизларни ишга жойлаштириш, айниқса, уларни тадбиркорликка рағбатлантиришга беқисс эътибор қаратилмоқда. Мен ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйдим. Утган йили қончилик коллежини тугатиб, устозларим билан маслаҳатлашган ҳолда, Навоий шаҳрида “Стандарт Навоий” оилавий корхонасини ташкил этдик. Бу борадаги бизнес лойиҳани коллежда таҳсил олган кезларимдаёқ пухта қилиб ишлаб чиққан эдим. Корхонани йўлга қўйиш учун тижорат банки томонидан ажратилган 25 миллион сўмлик имтиёзли кредит

маблағларидан самарали фойдаландим. Ҳозирги кунда Хитой технологияси асосида 20 турдаги эркаклар пойабзалини ишлаб чиқаряпмиз. Та д б и р к о р л и к инновацияларни технологияларни пухта ўрганишни, бозордаги талаб ва таклифга қараб ҳаракат қилишни талаб этади. Шу мақсадда олинаётган даромадларнинг бир қисмини янги турдаги маҳсулотларни тайёрлашни ўзлаштиришга йўналтиряпмиз. Яқинда Жанубий Кореядан келтирилган 11,5 миллион сўмлик замонавий технология асосида аёллар ва болалар оёқ кийимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Нурсултон ШОҲНАЗАРОВ,
«Стандарт Навоий» оилавий корхонаси раҳбари.

Ф А Х Р

Ёшлиқнинг ҳар куни бир имконият, бир мўъжиза саналади. Бугун умрининг навқиронлик деб аталмиш муаззам бекатида туриб, ҳаётни, тенгдошларимни кузатаман. Эрта тонгдан ишга, ўқишга шошилиб кетаётган йигит-қизларнинг бугунидан бахтиёр нигоҳларини кўриб, кўксимда гурур жўш уради. Ҳаётдаги кичкина муваффақиятлар ҳам кун келиб ўз мевасини беради, дейишади.

Орзулар қанотида

Бу рост гап экан. 2005 йилда илк шеърый тўпламим — “Меҳр сарнашмаси” чоп этилди. “Камолот” ЕИҲ фаоллари сафида бўлиш, Болалар Парламентининг депутатлигига сайланиш ўз фикримни дадил айти олиш қобилиятини шакллантирди. Изланишларим, ниятларим йўлидаги ҳаракатларим сабаб 2009 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлдим. Худди шу йилда ўзим орзу қилган даргоҳ — Мирзо Улугбек номи-

даги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетига ўқишга қабул қилиндим. Бугунги кунда журналистика факультетининг магистратура йўналишида илмий изланишлар олиб бораёпман. Таълим тизимида рўй бераётган ислохотлар самараси факультетимиз мисолида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Илгор технологиялар асосида сабоқ олаяпмиз. Устозларимиз хориждаги



Гулноза ШАРАФОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

Рақамлар сўзлайди:

Навоий вилояти аҳолисининг 67 фоизини ёшлар ташкил этади.

Ҳудудда 356 умумтаълим мактаби, 51 касб-хунар коллежи ва академик лицей ҳамда 2 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Мавжуд 1897 та спорт иншоотида 22 миңдан зиёд йигит-қиз спортнинг 30 дан ортиқ тури билан шуғулланиди.

Вилоят Гимнастика федерацияси маълумотига кўра, 4323 нафар қиз бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Президентимиз томонидан таъсис этилган “Ниҳол” мукофотида Навоий вилоятидан Шерзод Давронов, Муҳаббат Меҳмононова, Сухроб Кенжаев, Шерзод Шодиев, Дилсўз Жуманиёвва каби хонандалар сазовор бўлишган.

Жорий йилда Украинада ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро турнирда Анвар Исмолов ҳамда Шерзод Шамсиддинов фахрли ўринларни кўлга киритди.

Шу йил 13 март куни Туркменистонда ўтказилган чемпионатда Мафтунна Эсанова спортнинг самбо тури бўйича Осиё чемпионлигига эришди.



Асрор ЧЎЛИЕВ,
«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги «Uz Ege Cable» қўшма корхонаси ишчиси.

Истиклол фарзандимиз



Биласиз, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилади. Мен ҳам ўтган йили Навоий шаҳридаги индустриал-иқтисодиёт касб-хунар коллежини тугатиб, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги корхоналардан бирига ишга қабул қилиндим.

Ф У Р У Р

Бу ерда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёрлик остида 100 дан зиёд турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Корхонамиз ёнидаги Логистика маркази эса бир кеча-кундузда 300 тоннадан ортиқ юкни қабул қилиб, жўнатиш қувватига эга. Мухими, ушбу ташкилотларда вилоятимиздаги таълим муассасаларини битирган мутахассислар

ишлашмоқда. Аниқроқ айтганда, жамоамизнинг аксарияти ёшлардан иборат. Юқори технологик ускуналарни бошқараётган 47 нафар йигит тенкурларим эканлигидан бахтиёрман. Қолаверса, бизнинг ишлашимиз, дам олишимиз учун барча шарт-шароит яратилган.

Коллежда олган билимимиз автосаноат учун зарур эҳтиёт қисми-

лари ишлаб чиқараётган “Uz Ege Cable” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида асқотаяпти. Чет эллик мутахассислар бу ердаги “Устоз — шогирд” аъналарига ҳавас қилишади. Биз эса бунга муносиб бўлиш учун бор куч-ғайратимиз билан ҳаракат қиламиз, изланамиз. Шу кунларда корхонамизда

Жанубий Корея ва Италиядан келтирилган технологик линиялар ёрдамида 39 турдаги автомобиль кабеллари тайёрланмоқда. Шунингдек, ўзимизнинг “Cobalt” русумли автомашина учун ҳам аккумулятор жгуглари тайёрлаш йўлга қўйилган.

Очиги, ишимиз оғир эмас, завқ-шавқ билан меҳнат қиламиз. Маошимиз ҳам кўнглидагидек. Бу ерда ишлаётган барча ёшлар ота-онамизга тиргак бўлиб, оиламизга наф келтираётганимиздан жуда ҳам мамнунмиз. Буларнинг барчасини навқирон авлоднинг ёруғ истикболи учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор самараси, деб биламиз.

Асрор ЧЎЛИЕВ,
«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги «Uz Ege Cable» қўшма корхонаси ишчиси.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5